

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/04.07.2023.Tib.170.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ МУХСИН МАНСУРОВИЧ

**КЎКРАК-БЕЛ УМУРТҚАЛАРИ ШИКАСТЛАНИШЛАРИНИ
ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation

Ражабов Мухсин Мансурович

Кўкрак-бел умуртқалари шикастланишларини
жаррохлик даволаш усулларини
оптималлаштириш.....

3

Ражабов Мухсин Мансурович

Оптимизация методов хирургического
лечения травматических переломов
грудо-поясничного отдела позвоночника.....

25

Rajabov Muhsin Mansurovich

Optimization of surgical treatment in traumatic
fractures of the thoracic-lumbar vertebrae of the spine

49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/04.07.2023.Tib.170.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ МУХСИН МАНСУРОВИЧ

**КЎКРАК-БЕЛ УМУРТҚАЛАРИ ШИКАСТЛАНИШЛАРИНИ
ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1289 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.neuro.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Норов Абдурахмон Убайдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Расмий оппонентлар:

Шодиев Амиркул Шодиевич
тиббиёт фанлари доктори

Абдулхаликов Алимджан Каримжанович
тиббиёт фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

проф. А.Л. Поленова номидаги Россия
нейрохирургия институт филиали
В.А.Алмазова (Санкт Петербург)
номидаги Миллий тиббиёт текшириш
маркази

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/04.07.2023.tib.170.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Хумоюн кўчаси, 40 уй. Тел./факс: (+99871) 264-96-22, e-mail: info@tipme.uz)

Диссертация ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Хумоюн кўчаси, 40 уй. Тел./факс: (+99871) 264-96-22

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2024 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.М. Кариев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.О.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Р.М.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бутун дунёда умуртқа поғонасининг шикастланиши, таянч-ҳаракат тизими жароҳатининг энг мураккаб ва оғир турларидан бири бўлиб, беморни узок вақт стационарга ётқизишни, шунингдек узок реабилитацияни талаб қилади. ЖССТ маълумотларига қараганда «...ҳар йили дунё бўйлаб 4,4 миллиондан ортик одам турли хил жароҳатлар сабабли халок бўлади...»¹. Умуртқа поғонаси жароҳатларининг учраш даражаси барча турдаги жароҳатларнинг 1,5-3,3% ни ташкил қилади. Анатомик ва биомеханик хусусиятлари сабабли умуртқа поғонасининг пастки кўкрак қисми ва юқори бел қисми умуртқаларининг синиши энг катта гуруҳни – барча орқа мия жароҳатларининг 54,9% ни ташкил қилади ва натижада у сабабли 87-100% ҳолларда ногиронлик келиб чиқади. Умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел сегментлари жароҳатларида жарроҳлик усулларининг бугунги кундаги ютуғи, бу умуртқа поғонасининг дорсал ва вентрал сохаларида турли хилдаги транспедикуляр фиксаторлар ёрдамида фиксациялаш манипуляцияларнинг амалиётга киритилиши каби турли хилдаги иновацион жарроҳлик усулларининг бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида умуртқа поғонасининг оғир даражали асоратланган шикастланишларида, травматик дислокациялар ҳолатларида орқа мия декомпрессияси ҳамда шикастланган қисмни мустаҳкам фиксациялаш ва барқарорлаштириш, анатомик бутунлигини тиклаш бўйича кўплаб тадқиқотчилар томонидан чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Умуртқа поғонаси шикастланиши жараёнининг келиб чиқиши ҳамда, умуртқа поғонаси жароҳатларини шошилишч диагностикаси ва даволаш чораларини ишлаб чиқиши, умуртқа шикастланиш тури ва деформация шаклини аниқлаш, аниқ даволаш тактикасини танлаш, шунингдек операциядан олдинги етарли тайёргарликнинг ўзи самарали аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоя билан таъминлаш, шунингдек, мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида белгиланган. Бу борада вазифалар «..аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган 2022-2023 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш»² белгиланган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш орқали умуртқа поғонасининг кўкрак-бел қисми травматик синиши ҳолатларини камайтириш, касалланиш ва унинг асоратларини олдини олиш имконини берди.

¹ WHO | Effects and safety of periconceptional oral folate supplementation for preventing birth defects. . Cochrane Database of Systematic Reviews 2015, Issue 12.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мажмуи чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг IV «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умуртқа поғонаси травматизацияси фонида неврологик асоратлари бўлган беморларда ногиронлик даражаси 40 дан 100% гача ошади, шунинг учун бемор ва унинг оиласи учун ҳаёт сифати сезиларли даражада пасаяди, шуни таъкидлаш керакки, умуртқа поғонаси шикастланган одамлар орасида 75% ни меҳнатга лаёқатли одамлар ташкил қилади ва статистик маълумотларга кўра қурбонлар сони кўп ҳолларда эркаклар орасида аёлларга қараганда уч баравар кўп эканлиги ҳисобланган. (Сергеев В.А Юндин В.И.,2021).

АҚШда умуртқа поғонасининг бўйин қисмининг шикастланган беморларни даволаш нархи юз минг доллардан икки миллионгача, кейинги даволаш учун эса тахминан олти юз минг долларни ташкил қилади ва умуртқа поғонаси кўкрак ва бел қисми шикастланишида сарфланадиган харажатлар тахминан 85000 долларни ташкил қилади. Кейинги реабилитация билан бу миқдори икки юз минг АҚШ долларгача ошиши мумкин. Бундан ташқари, у ногиронлик нафақалар тўлаш, суғурта ва бошқа тиббий харажатлар билан қўшиб ҳисоблаганда бу миқдор бир 1.45 миллион долларгача эканлиги исботланган (Carruccio M. Barbagallo G.M. 2022)

Даволашнинг жарроҳлик усуллари яхшиланганига қарамай, ўлим даражаси юқорилигича қолмоқда, уларнинг частотаси травматизация даражаси ва турига боғлиқ бўлиб, 75% ҳолларда бўйин сегментлари шикастланган беморларда ўлимга олиб келади. Умуртқа поғонаси кўкрак ва бел сегменти травмасининг оғир шаклида ўлим даражаси 2,4% дан 45,6% гача бўлиб, дастлабки икки йилда қўшимча равишда урологик патология қўшилиши натижасида ўлим даражаси 80% ни ташкил этган (Махкамов К.Э. ва ҳаммуал, 2018).

Сўнгги ўн йилликлар давомида кўкрак-бел умуртқалари жароҳатларида умуртқа поғонаси канали бутунлигини тиклаш учун умуртқа поғонаси бўлақларини бир-бирига бириктириш мақсадида турли спица ва махсус стерженлар ёрдамида декомпрессияли ва барқарорлаштирувчи даволаш усуллари яратиш бўйича ишлар олиб борилди, бундан ташқари, суяк

цементидан фойдаланиш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган (Янковский А.М., Земский Г.В., 2018)

Дунёда ҳал қилишга қаратилган тадқиқотлар бизнинг мамлакатимизда ҳам, Марказий Осиё мамлакатлари орасида ҳам шу кунгача олиб борилмаган ва бу йўналишда чет эл тадқиқотларида клиник муҳокамаларнинг кам ҳиссани ташкил этиши муҳим аҳамиятли янгиликлар йўқлигини кўрсатмоқда. Диагностика усуллари яхшиланишига қарамай, операциядан кейинги даврда умуртқа поғонаси шикастланган беморлар умумий аҳволини комплекс динамик баҳолаш муаммоси очиқ қолмоқда, бу эса бизни ушбу тоифадаги беморларда самарали жарроҳлик аралашувини излаш учун тадқиқот ўтказишга ундади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, умуртқа поғонаси шикастланган беморларни ўз вақтида ташхислаш, оптимал даволаш схемасини ишлаб чиқиш ва асослаш, соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро Давлат тиббиёт институтининг 05.2022 PhD 163 "COVID 19 дан кейин Бухоро вилояти аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга мўлжалланган янги ёндашувларни ишлаб чиқиш" 2022-2026 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот режаси асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади: оптималлаштирилган диагностика ва самарали жарроҳлик усулари асосида кўкрак ва бел умуртқасининг травматик синиши бўлган беморларда жарроҳлик аралашувининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инструментал текширувнинг диагностика имкониятларини ўрганиш, унинг асосида кўкрак-бел соҳасининг травматик синишларини ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

умуртқа поғонасининг кўкрак-бел қисми мураккаб травматик синишларида жарроҳлик ёрдамида даволашнинг барқарорлаштирувчи усуллари такомиллаштириш;

умуртқа поғонасининг кўкрак-бел қисми травматик синишларини даволашда декомпрессив-стабиллаштирувчи, стабиллаштирувчи ва минимал инвазив операцияларни бажариш учун кўрсатмаларни аниқлаш;

даволаш натижаларини баҳолаш ва умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси травматик синиши бўлган беморлар гуруҳларини қиёсий тавсифини амалга ошириш

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2022 йиллар давомида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ва Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникаларида умуртқа кўкрак-бел соҳаси ва орқа мия шикастланиши билан стационар даволанган 180 нафар бемор танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб операциядан олдинги ва кейинги травма фонида орқа мия травмаси бўлган беморларнинг неврологик, клиник

ва рентгенологик кўрсаткичларини комплекс баҳолаш натижалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ўтказиш учун умумий клиник, неврологик текширув, нур ташхисоти (рентген, магнит-резонанс, компьютер томографияси) ва статистик усуллар ишлатилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳаси травматик синишларида, понасимон деформация индекси ва интерпедикуляр масофа индекси мезонлари асосидаги дифференциал жарроҳлик даволаш тактикаси самарадорлиги исботланган;

перкутан стабиллаштирувчи жарроҳлик усулларида умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳаси травматик синишларида қўлланиши, шикастланган таянч-ҳаракат сегментинг турғунлигини ва тўқималарининг минимал шикастланишини таъминлаб бериши аниқланган;

умуртқа поғонасининг травматик синишларини дифференциал жарроҳлик усули билан даволаш тактикаси шикастланишнинг тури ва таянч-ҳаракат сегментининг барқарорлик даражасига қараб такомиллаштирилган;

умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси травматик синишларини жарроҳлик усулида даволашнинг декомпрессив-стабиллаштирувчи, стабиллаштирувчи ва минимал инвазив усулларида қўлланилиши операциядан кейинги асоратларни камайтиришга олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инструментал текширувнинг диагностик имкониятлари ўрганиш асосида умуртқа поғонасининг кўкрак-бел қисми травматик синишларини ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

умуртқа поғонасининг кўкрак-бел қисми мураккаб травматик синишларини жарроҳлик орқали даволашнинг барқарорлаштирувчи усуллари такомиллаштирилган;

умуртқа поғонасининг кўкрак-бел қисми травматик синишларини даволашда декомпрессив-стабиллаштирувчи, барқарорлаштирувчи ва минимал инвазив операцияларни бажариш учун кўрсатмалар аниқланган;

даволаш натижалари баҳолаиб, умуртқа поғонасининг кўкрак-бел қисми травматик синишлари бўлган беморлар гуруҳларида дифференциал жарроҳлик тактикасини ўтказиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги объектив, клиник, неврологик, ташхислаш (МСКТ, МРТ, Рентгендиагностика) маълумотлари ва уларнинг статистик таҳлили билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва тахминларнинг назарий аҳамиятига асосланади, бу умуртқа поғонаси кўкрак ва бел умуртқалари шикастланиши билан оғриган беморларни даволаш учун самарали ташхис қуйиш ва жарроҳлик усулини танлашга катта ҳисса қўшади, ушбу беморларни жарроҳлик йўли орқали даволашнинг тактикаси модернизация қилинган бўлиб, у шикастланган сегментни вертебропластикаси билан биргаликда стабиллаштирувчи системаларни

қўллаш билан даволашни ўз ичига олади ва тадқиқот асосида даволанган беморларни жарроҳлик усулида даволашнинг дифференциал тактикаси, даволаш самарадорлигини сезиларли даражада оширишга имкон берган ва бу статистик усуллар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тавсия этилган диагностика алгоритми ва тўғри жарроҳлик тактикаси асосида даволанишдан кейинги даврда беморларнинг ҳаёт сифати самарадорлигини оширишга асосланган, умуртқа поғонасининг травматик асоратланган жароҳатларини даволаш учун танлов усули сифатида умуртқа поғонаси орқа декомпрессияси ва вертебропластиканинг транспедикуляр стабилизация усули билан комбинация қилиш, бу умуртқа поғонасининг ҳаракат сегментини ишончли фиксация қилиш ҳамда умуртқа каналининг нейроваскуляр тузилмаларини етарли даражада декомпрессияга эришишга имкон беради, ушбу усулни қўллашнинг афзаллиги операциядан кейинги даврда беморларни эрта фаоллаштириш ва эрта реабилитация чораларининг бошланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 08 февралдаги 3-сонли ва ч/р №02-б/78 сонли хулосаларга кўра:

биринчи илмий янгилик: Умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳаси травматик синишларида, понасимон деформация индекси ва интерпедикуляр масофа индекси мезонлари асосидаги дифференциал жарроҳлик даволаш тактикаси самарадорлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган алгоритм критериялари беморларда хирургик даволаш тактикаси танловига индивидуал ёндашув имконини беради. Инструментал текширувнинг диагностик имкониятлари ўрганиш асосида умуртқа поғонасининг кўкрак-бел қисми травматик синишларини ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (18.09.2023 й. №97), Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (18.09.2023 й. №72/1) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* олиб борилган тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиниши кўкрак-бел умуртқалари шикастланишлари бўлган беморларда жарроҳлик тактикасини танлаш бўйича объектив қарор қабул қилишга ёрдам берди, бу эса беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, амбулатор ва стационар шароитда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берди.

Таклиф этилган алгоритм ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш кўкрак-бел умуртқалари шикастланишлари бўлган беморларни даволаш сифатини яхшилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Кўкрак-бел умуртқалари шикастланишларини билан оғриган беморларнинг шифохонада қолиш муддатини 1) ётоқ кунларини ўртача 10-12 кундан 5-7 кунгача қисқартириш орқали беморнинг касалхонада

қолишини камайтириш шифохона хизматлари учун тўлов миқдорини камайтиради (РШТЎИМ Бухоро филиалида - оғир беморлар учун интенсив терапия палатасида бўлган 1 кунлик прејскурант тўлов нархи 1 200 000 сўм бўйича); 2) беморни эрта ишга қайтариш операциядан кейинги узоқ муддатли реабилитация ва дори-дармонларни таъминлаш ҳаражатларини тўлаш учун давлатга ҳаражатни камайтиради ва ижтимоий таъминот зарурлигини камайтиради. *Хулоса:* жарроҳлик тактикасининг босқичини режалаштириш билан амалга оширилган операциялар ҳар бир бемор учун сарф ҳаражатларни 8 450 000 сўмга тежашга имкон беради.

Ражабов Мухсин Мансуровичнинг **“Кўкрак-бел умуртқалари шикастланишларини жарроҳлик даволаш усулларини оптималлаштириш”** мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши 2023 йил 29 сентябр №23-Х/061-сонли хулосаси билан тадбиқ этилди.

иккинчи илмий янгилик: Перкутан стабиллаштирувчи жарроҳлик усулларининг умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳаси травматик синишларида қўлланиши, шикастланган таянч-ҳаракат сегментининг турғунлигини ва тўқималарининг минимал шикастланишини таъминлаб бериши аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, кўкрак-бел умуртқалари шикастланишлари билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашда соддалаштирилган алгоритмдан фойдаланиш жарроҳлик даволаш тактикасининг энг мақбул усулини тезда танлаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (18.09.2023 й. №97), Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (18.09.2023 й. №72/1) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Таклиф этилган усул операциядан кейинги даврда жарроҳлик даволаш натижаларини объектив яхшилашга олиб келди ва қониқарсиз натижалар фозини камайиши аниқланди, бу эса ўз навбатида қисқа вақт ичида беморлар меҳнат қобилиятини тез тикланиши, ижтимоий мослашув ва ногиронликни камайтириш, шунингдек, беморлар ҳаёт давомийлиги ва сифатини ошириш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ўтказилган тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш кўкрак-бел умуртқалари шикастланишлари бўлган беморларда жарроҳлик тактикасини танлаш бўйича объектив қарор қабул қилишга имкон берди, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, амбулатория ва стационар шароитда даволаниш муддатини қисқартириш орқали иқтисодий самарадорликни оширди. *Хулоса:* Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган алгоритм беморларда хирургик даволаш тактикаси танловига индивидуал ёндашувни топиш имконини беради.

Ражабов Мухсин Мансуровичнинг **“Кўкрак-бел умуртқалари шикастланишларини жарроҳлик даволаш усулларини оптималлаштириш”** мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни

сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши 2023 йил 29 сентябр №23-Х/061-сонли хулосаси билан тадбиқ этилди.

учинчи илмий янгилик: Умуртқа поғонасининг травматик синишларини дифференциал жарроҳлик усули билан даволаш тактикаси шикастланишнинг тури ва таянч-ҳаракат сегментининг барқарорлик даражасига қараб такомиллаштирилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* жарроҳлик аралашуви ҳажмини аниқлашда ва жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда беморнинг ҳаёт сифатини сақлашда шикастланишнинг тури ва таянч-ҳаракат сегментининг барқарорлик даражасини ҳисобга олиш муҳимлигидан далолат беради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (18.09.2023 й. №97), Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (18.09.2023 й. №72/1) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* кўкрак-бел умуртқалари шикастланишлари бор беморларда жарроҳлик ҳажмини белгилаш шикастланишнинг тури ва таянч-ҳаракат сегментининг барқарорлик даражасини ҳисобга олиш беморларда операциядан кейинги даврда неврологик бузилишлар ижобий ўзгариш суръатлари, операция босқичларида ижобий натижага эришилади. Кўкрак-бел умуртқалари шикастланишлари бор беморларда шикастланишнинг тури ва таянч-ҳаракат сегментининг барқарорлик даражасини ҳисобга олиш операциядан кейинги даврда ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги.* Таклиф этилган усул операциядан кейинги даврда жарроҳлик даволаш натижаларини объектив яхшилашга олиб келди ва қониқарсиз натижалар фоизининг камайиши аниқланди, бу эса ўз навбатида қисқа вақт ичида беморлар меҳнат қобилиятини тез тикланиши, ижтимоий мослашув ва ногиронликнинг камайиши, шунингдек, беморлар ҳаёт давомийлиги ва сифатини ошириш имконини беради. *Хулоса:* Таклиф этилган усул операциядан кейинги даврда жарроҳлик даволаш натижаларини объектив яхшилашга олиб келди ва қониқарсиз натижалар фоизининг камайиши аниқланди.

Ражабов Мухсин Мансуровичнинг **“Кўкрак-бел умуртқалари шикастланишларини жарроҳлик даволаш усулларини оптималлаштириш”** мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши 2023 йил 29 сентябр №23-Х/061-сонли хулосаси билан тадбиқ этилди.

тўртинчи илмий янгилик: Умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси травматик синишларини жарроҳлик усулида даволашнинг декомпрессив-стабиллаштирувчи, стабиллаштирувчи ва минимал инвазив усулларини қўлланилиши операциядан кейинги асоратларни камайтиришга олиб келиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳаси жароҳатларида жарроҳлик даво усулини танлашдаги таклиф қилинган

алгоритмни қўллаш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва асосий гуруҳдаги жароҳатланганларнинг 68%да яхши натижага ва 28,9%да қониқарли натижага эришишга имкон берди. Тадқиқотдаги беморларнинг 3,1%да қониқарсиз натижа қайд этилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши*: Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (18.09.2023 й. №97), Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (18.09.2023 й. №72/1) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* меҳнатга ва жамиятдаги фаол ҳаётга қайтиш, тиббий ёрдамдан қониқиш, ижтимоий даражада - умр кўриш давомийлигининг ошиши, ўлим ва ногиронликнинг камайиши. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: 1 нафар беморнинг шифохонадаги даври учун иқтисодий кўрсаткич: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 10-12 кундан 5-7 кунгача қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 850 000 сўмга камайтирди (шифохоналарнинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 170.000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг 5 кунга қисқартирилиши ҳисобига 250 000 сўмлик дори-дармон кам талаб этилади (1 кунга ўртача 50 000 сўм дори воситалари сарфланади); шифохонада бўлиш даврининг 5 кунга қисқартирилиши ҳисобига 49 000 минг сўмлик боғланмалар кам талаб этилади (1 кунга ўртача 9800 сўм боғланмалар сарфланади). *Хулоса*: Кўкрак-бел умуртқалари шикастланишларида дифференцирланган жарроҳлик даволашни қўллашнинг узоқ муддатли реабилитацияга сарфланадиган давлат харажатларини ва дори-дармон билан таъминлаш харажатларини камайтирди, шунингдек, мавжуд ногиронликда умрбод ижтимоий таъминотга бўлган эҳтиёжни камайтирди ва моддий харажатларни 8 450 000 сўмга камайтирди.

Ражабов Мухсин Мансуровичнинг **“Кўкрак-бел умуртқалари шикастланишларини жарроҳлик даволаш усулларини оптималлаштириш”** мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши 2023 йил 29 сентябр №23-Х/061-сонли хулосаси билан тадбиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, улардан 2 та халқаро ва 3 та Республика миқёсидаги конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган бўлиб, шулардан 7 та мақола ва 5 та тезис, жумладан 3 та мақола ва 2 та тезис республика ва 4 та мақола ҳамда 3 та тезис хорижий журналларда илмий ишлар натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва кўлами. Диссертация кириш, беш боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 107 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, вазибалар, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилик тавсифланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб берган. Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ишнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича материаллар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси травматик шикастланишларини ўрганиш, ташхислаш ва даволаш муаммосининг ҳозирги ҳолати (адабиётлар шарҳи)»** бобида сўнгги йилларда ушбу мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган бўлиб унда муаммонинг ҳозирги ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинади. Шикастланиш натижасида умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси травматик шикастланишларининг хусусиятлари, ривожланиш босқичлари тўғрисида батафсил маълумот берилиб, адабиётлардан олинган маълумотларни умумлаштирган ҳолда муаммонинг долзарблиги кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предметлари ҳамда унда қўлланиладиган статистик усуллар келтирилган.

Текширув динамикаси 2015 йилдан 2022 йилгача Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий-амалий марказининг РШТЁИМ Бухоро филиалида даволанган умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси ўткир шикастланган 180 нафар беморни диагностика ва жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлил қилишга асосланган.

Текширилганларнинг барчаси икки асосий ва назорат гуруҳларига бўлинган. Асосий гуруҳ таркибида 2020 йилдан 2022 йилгача замонавий оптималлаштирилган жарроҳлик усулида амалга оширилган дифференциялаштирилган даво усуллари бўйича оператив даво қўлланилган 97 нафар бемордан иборат. Назорат гуруҳи эса 83 нафар бемордан иборат бўлиб, ушбу гуруҳ беморларга 2015 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда анъанавий оператив даво усуллари қўлланилган.

Тадқиқотда назорат гуруҳидаги беморларга ўтказилган жарроҳлик даволаш натижалари корреляция тури таҳлил қилиниб, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда РШТЁИМ Бухоро филиалида даволанган замонавий оптималлаштирилган ва дифференциялаштирилган жарроҳлик усулида амалга оширилган даво усуллари бўйича оператив даво қўлланилган

асосий гуруҳ билан қиёсий таққослаш орқали олинган маълумотлар кўрсатилган.

Асосий гуруҳдаги даволаш натижаларини ўрганиш ҳар хил мезонларнинг диагностик имкониятларини баҳолашда корреляция турини таҳлил қилишда ва классик жарроҳлик аралашуви билан терапия натижаларини қиёсий таҳлил қилишда, шунингдек клиник ва неврологик аломатлар ва рентгенологик ўзгаришларни батафсил ўрганиш билан бирга амалга оширилган.

Барча текширилганлар тўлиқ клиник текширувдан ўтказилган, бу ўз ичига соматик, ортопедо-неврологик ҳолатни баҳолаш, шунингдек, рентген, нейрофизиологик, тадқиқот ва КТ ва МРТ тадқиқотларни ўз ичига олади. Статистик таҳлил қилиш универсал методологияга асосан IBM SPSS Statistics, v. 22. ихтисослаштирилган дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи **«Умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳасининг травматик синишларининг клиник ва неврологик тавсифи ва диагностикаси»** бобида амалга оширилган илмий тадқиқотга кўра шикастланганларнинг кўп қисми ёши 25-59 ёш оралиғидаги (63,3%) беморлар эканлиги исботланган. Бизнинг кузатувимиз остидаги беморлар асосан маиший (43,9%) ва транспорт жароҳатлари (28,3%) дан азият чеккан. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатлар билан оғриган беморлар 10,6% ҳолатларда қайд этилган.

ISS шкаласи бўйича 180 нафар жабрланувчининг жисмоний ҳолатини баҳолаш 1 баллдан 70 баллгача бўлган қийматларда баҳоланди. 84 нафар беморда (46,6% ҳолларда) қониқарли ҳолат қайд этилган (1-15 балл). Шуни таъкидлаш керакки, ушбу беморлар гуруҳида мушак-суяк тизимининг бошқа шикастланишлари билан бирга келмаган умуртқа поғонасининг алоҳида шикастланиш ҳолатлари аниқланган.

Ўртача оғирликда зарарланганлар (ISS бўйича 16-36 балл) 45,6% ни ташкил этди, бу 82 беморга тўғри келади. Ушбу тоифада экстравертебрал шикастланишлар, масалан, оёқ-қўлларнинг шикастланиши, чаноқ суяги, кўкрак қафаси ва мия шикастланиши, умуртқа поғонаси ва умуртқа-орқа мия шикастланиши билан боғлиқ.

Соматик ҳолатни баҳолашда 37-45 балл олган беморнинг аҳволи оғир деб баҳоланди. Ички органларнинг шикастланиши, таянч-ҳаракат тизимининг политравмаси, бош мия шикастланиши билан бирга бўлган 14 беморда (7,8% ҳолларда) оғир ҳолат аниқланган.

Клиник ва неврологик тавсиф таҳлил қилиганда, умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳаси шикастланишларида энг кенг тарқалган доимий клиник кўриниш оғрик синдроми (100%) эканлиги аниқланган. Оғрикнинг даражаси шикастланиш турига қараб фарқ қилган. Беморларнинг 91 нафариди (50,5%) умуртқа поғонасига шикаст етказилмаган жароҳатлар мавжуд бўлганда, оғрик белгиларининг мавжудлиги ягона клиник белги бўлган.

Ушбу гуруҳдан 45 киши (49,5%), тиббий муассасага ўз ихтиёрлари билан мурожаат қилишган, шу билан бирга ушбу гуруҳдаги барча беморлар

қаттиқ оғриқ борлигидан шикоят қилишган ва уларга ётоқ режими тайинланган. 19,8% ҳолларда, яъни 18 кишида умуртқа поғонасининг шошилинич шикастланиши кўкрак ва бел қисми бирикиш соҳасида жароҳат сифатида таснифланган ҳолат кузатилган.

Оғриқ синдромининг интенсивлиги ВАШ шкаласи асосида баҳоланган. Оғриқ синдромининг оғирлигига асосланиб, барча беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган: 19,4% ҳолларда кичик оғриқ белгилари (3-4 балл) қайд этилган, бу 35 кишини ташкил қилган, 49,5% ҳолларда ўртача оғриқдан (5-7 балл) шикоят қилинган, бу 89 кишини ташкил қилган, оғир оғриқ белгилари (8-10 балл) 56 нафар (31,1%) беморда қайд этилган.

Умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳасига ўтиш жойидан оғир жароҳатлар олган беморларда клиник текширувлар орасида энг муҳимларидан бири бу неврологик текширув ҳисобланади. Олинган маълумотларни тавсифлаш учун ASIA/ISCS (2015) шкаласи қўлланилган. Ушбу шкала, умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси шикастланишларидаги ҳаракат ва сезгининг бузилишлари, шунингдек, чанок аъзолари функцияси фаолиятига қараб белгиланган. Неврологик тадқиқот маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш давомида беморлар гуруҳида умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳасига ўтиш соҳасидаги мураккаб шикастланиш (А, В, С, D - гуруҳлари 49,5%) шунингдек асоратлар бўлмаган жароҳатлар (Е гуруҳи-50,5%) деярли бир хил частотада қайд этилган. Оғир жароҳатлар орасида неврологик етишмовчилик мавжуд бўлган беморларнинг устунлиги қайд этилган (С ва D гуруҳи вакилларида - 40,5%), (А ва В гуруҳлари – 9%).

1 - жадвал

Беморлар неврологик текширув маълумотлари (American Spine Injury Association/International Standards for Neurological Classification of Spinal Cord Injury, 2015)

| Умуртқалар Гуруҳлар | Th ₁₁ | | Th ₁₂ | | L ₁ | | L ₂ | | Кўп даражали | | Умумий | |
|------------------------|------------------|-----|------------------|------|----------------|------|----------------|------|--------------|-----|--------|------|
| | абс. | % | абс. | % | абс. | % | абс. | % | абс. | % | абс. | % |
| А | 1 | 0,6 | 2 | 1,1 | 2 | 1,1 | - | - | 1 | 0,6 | 6 | 3,4 |
| В | 2 | 1,1 | 4 | 2,2 | 2 | 1,1 | 1 | 0,6 | 1 | 0,6 | 10 | 5,6 |
| С | 2 | 1,1 | 5 | 2,8 | 6 | 3,3 | 5 | 2,8 | 7 | 3,9 | 25 | 13,8 |
| Д | 3 | 1,7 | 20 | 11,1 | 11 | 6,7 | 10 | 5,5 | 4 | 2,2 | 48 | 26,7 |
| Е | 7 | 3,9 | 32 | 17,8 | 32 | 17,2 | 15 | 8,3 | 5 | 2,7 | 91 | 50,5 |
| Жами | 15 | 8,4 | 63 | 35 | 53 | 29,4 | 31 | 17,2 | 18 | 10 | 180 | 100 |

Текшириш хулосаларига кўра, шикастланиш кузатилганларнинг катта гуруҳини барчаси ёшлар ва ўрта ёшлилар эканлигига эътибор қаратиш лозим.

Бизнинг тадқиқотимизга асосланиб, жароҳатларнинг энг катта ҳажми эса умуртқа поғонасининг Th₁₂ ва L₁ даражаларида қайд этилган.

Кўкрак соҳасининг бел қисмига ўтиш соҳасидаги бир нечта умуртқаларнинг шикастланиши, нисбатан кичик зарарланишлар 18 нафар беморда қайд этилган, улардан 13 нафарида (72,2% ҳолларда) клиник белги неврологик етишмовчилик мавжудлиги билан давом этган. Шунини таъкидлаш керакки, А ва В типидagi шикастланишлар фақат 1,2% ҳолларда қайд этилган ва бу 2 кишини ташкил қилган.

Умуртқа поғонаси кўкрак сегментининг бел соҳасига ўтишининг бутунлиги бузилган барча 180 нафар беморда рентген текшируви ўтказилган. Беморларнинг рентгенограммаларини таҳлил қилиш зарарланиш даражасини тавсифловчи бир қатор кўрсаткичларни аниқлашга, шунингдек, травматик омил механизмига қараб шикастланиш турини аниқлашга ёрдам берган. Ён проекциядаги рентгенографияни таҳлил қилишда барқарор синининг муҳим мезонларидан бири бу умуртқа поғонаси тузилишидаги кифотик деформация бурчаги ҳисобланади. Текшириш Cobb методикаси орқали амалга оширилган (1948й). Суяк тузилишидаги шикастланишдан кейинги кифотик ўзгаришларга қараб ўрганилаётган беморлар кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Натижаларга кўра, 148 беморда (82,2% ҳолларда) умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси суяк тузилмаларида кифотик ўзгариш қайд этилган. 17,2% ҳолларда, бу 32 беморни ташкил қилади умуртқа шикастланиши ва шикастланишдан кейинги кифоз ривожланиши билан давом этмаган.

2 - жадвал

Умуртқанинг шикастланиш даражасига қараб кифотик деформациянинг кўрсаткичлари (n=180)

| Патологик кифоз бурчаги | 15% гача | | 16–30% | | 31% ва ундан юқори | |
|--------------------------|----------|------|--------|------|--------------------|------|
| | абс. | % | абс. | % | абс. | % |
| Th ₁₁ | 8 | 4,4 | 4 | 2,2 | - | - |
| Th ₁₂ | 16 | 8,9 | 28 | 15,6 | 6 | 3,3 |
| L ₁ | 14 | 7,8 | 36 | 20 | 9 | 5,0 |
| L ₂ | 6 | 3,3 | 3 | 1,7 | 2 | 1,1 |
| Кўп даражали шикастланиш | 2 | 1,1 | 6 | 3,3 | 8 | 4,4 |
| Жами | 46 | 25,5 | 77 | 42,8 | 25 | 13,8 |

Кифотик деформация ўзгаришларнинг ўртача катталигида (16-30 даража) деструкциянинг энг кенг тарқалиши 42,8% ҳолларда учраган, бу 77 кишини ташкил қилган, шундан 36 нафар бемор (20%) L₁ сегментидан жароҳат олган. Умуртқа поғонасидаги кифотик деформация ўзгаришларнинг юқори катталигида (31 даражадан юқори) фақат 14% ҳолларда қайд этилган,

бу 25 кишини ташкил қилган. Ушбу гуруҳда Th12 ва L₁ сегментида шикастланиш кузатилган шахслар бир хил тақсимланмаган ва мос равишда 6 ва 9% ни ташкил этган. 1-15 даража деформацияга учраган кифотик ўзгаришининг ўлчамлари 25,5% ҳолларда қайд этилган ва асосан 8,9% ҳолларда Th₁₂ травмаси ва 7,8% ҳолларда L₁ травмаси олган беморлардан иборат эди. Шунини таъкидлаш керакки, L₂ умуртқаси даражасида кўкрак-бел чегарасидаги хавфли шикастланишдан кейинги кифоз ривожланиши атиги 6,1 фоизи ҳолатда қайд этилган, бу 11 кишини ташкил қилади.

3-жадвалда умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси дислокацияси бўлган шахсларнинг рентген текшируви маълумотлари келтирилган (n = 180).

3 - жадвал


Умуртқалар дислокацияси билан кечадиган умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳаси шикастланган беморларни рентгенологик текшириш натижалари

| Умуртқалар дислокация даражаси | 1-15% | | 16-30% | | 31-60% | | 61% ва ундан юқори | |
|--------------------------------|-------|------|--------|-----|--------|-----|--------------------|-----|
| | n | % | n | % | n | % | n | % |
| Th ₁₁ | 3 | 1,7 | 3 | 1,7 | - | - | - | - |
| Th ₁₂ | 16 | 8,9 | 4 | 2,2 | - | - | - | - |
| L ₁ | 7 | 3,9 | 10 | 5,6 | 6 | 2,2 | - | - |
| L ₂ | 1 | 0,5 | 1 | 0,5 | 2 | 1,1 | 2 | 1,1 |
| Жами | 27 | 15,0 | 18 | 10 | 8 | 3,3 | 2 | 1,1 |

Маълумотларни таҳлил қилишда энг кенг тарқалган жароҳат соҳаси L₁ эканлиги аниқланган ва 23 кишида (12%) қайд этилган. Шунини таъкидлаш керакки, ҳар бир алоҳида даражадаги дислокация содир бўлишининг фоиз нисбатида травматизация пайтида энг кўп учрайдиган жой Th12 умуртқасида дислокацияси ривожланган. Th11 ва L₂ умуртқаларининг силжиши 12 та беморда (6,8% ҳолларда), ҳар бир гуруҳда 6 та беморда содир бўлган, аммо улар шикастланишнинг оғирлиги жиҳатдан ажралиб туради. 11,1% (20 кишида) ҳолларда Th12 дислокацияси қайд этилиб, у асосан ўртача кўрсаткичлар доирасида ўзгарган. Кўкрак-бел соҳаси умуртқаларининг жароҳатлари кўпинча орқа мия шикастланишига сабаб бўлади, МРТ таҳлили орқа мия шикастланишининг айрим турларини аниқлашга имкон беради, жумладан, орқа мия каналининг иккиламчи торайиши натажасида орқа мия ва нерв илдизларининг қисилиши, яллиғланиш жараёнлари, интервертебрал дисклардаги ўзгаришлар, умуртқа суяк структурасининг бузилишлари, ҳажмли ҳосилалар, турли хилдаги анатомик нуқсонлар, паравертебрал юмшоқ тўқималар ҳолати ва бошқалар.

МСКТ бу яширин суяк шикастланишларини аниқлаш учун жуда сезгир текшириш усул бўлиб, Бизнинг фикримизча, КТ текширувлари, умуртқа поғонаси шикастланишарида энг самарали диагностика усули ҳисобланади. Тадқиқотда амалий натижаларига кўра МСКТ морфометриясининг якуний маълумотлари умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳасида травматик шикастланишларни тавсифлаш, шунингдек, ушбу гуруҳ беморлари учун оператив даво тактикасини танлашда кенг қўлланилган.

Диссертациянинг тўртинчи «Умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳаси шикастланган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш» бобида барча 183 нафар жарроҳлик йўли билан даволанган беморлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқот давомида умуртқа поғонаси кўкрак-бел умуртқаларининг травматик шикастланиши бўлган беморларни диагностикаси, дифференциациялашган жарроҳлик даволаш тактикаларини танлаш ва бу йўл орқали кўзланган мақсадга эришишнинг ижобий натижаларини қайд этиш мақсадида алгоритм ишлаб чиқилган (1-расм қаранг).



1-расм. Умуртқа поғонаси кўкрак-бел умуртқаларининг травматик шикастланиши бўлган беморларни жарроҳлик даволаш алгоритми

Улардан 73 нафар бемор (39,9%) перкутан вертебропластика, 11 нафар бемор (6,0%) кифопластика, 17 нафар бемор (9,3%) перкутан транспедикуляр фиксация, 31 нафар бемор (16,9%) транспедикуляр фиксация, 32 нафар бемор

(17,5%) декомпрессив ламинэктомия билан транспедикуляр фиксация ва 16 нафар бемор (10,4%) декомпрессив ламинэктомия билан транспедикуляр фиксация ва очик вертебропластика операция усуллари билан даволанган.

АО/Magerl таснифи бўйича А1 типдаги умуртқа танасининг синиши қайд этилган 73 нафар беморда Перкутан Вертебропластика операцияси ўтказилган, агар умуртқанинг танасининг деформация индекси 50% гача ва кифотик деформация 15°гача бўлса амалга оширилади. Ушбу усул жисмоний фаолликни тиклаш эҳтиёжлари чекланган, соматик касалликлар мавжуд, суяк зичлиги пасайиши белгилари мавжуд булган ва остеопороз хавф омиллари бўлган беморларда қўлланилган. Стандарт методикага мувофиқ пункцион транспедикуляр вертебропластика операцияси ўтказилган АО/Magerl таснифи бўйича А1, А2, А3 типдаги асоратланмаган синиш ҳолатларида, агар умуртқанинг танасининг деформация индекси 50% гача ва шунингдек, 25°гача бўлган маҳаллий кифотик деформация ҳолатларида 11 нафар беморда Кифопластика операцияси қўлланилган.

Кифопластикани амалга ошириш учун махсус тизимлар, жумладан махсус игна, аспирацион мослама, контрастли резервуар тизими, босим ўлчагич ва балон, шунингдек, махсус суяк цементини аралаштириш ва киритиш тизимлари ишлатилган.

АО/Magerl таснифи бўйича А1, А2, А3, В1, В2 типдаги асоратланмаган синиш ҳолатларида, агар умуртқа танасининг деформация индекси 50% дан ортиқ, маҳаллий кифотик деформация кўрсаткичи 25° дан юқори бўлган бўлган ҳолатларида Анъанавий транспедикуляр фиксация операцияси 31 нафар беморда қўлланилган. Неврологик асоратлар йўқлиги, нормал суяк зичлиги, суяк зичлигининг пасайиши даражаси 100 дан ортиқ Хаунсфилд бирликларини ташкил этиши ушбу турдаги жарроҳлик аралашувни ўтказиш учун кўрсатма ҳисобланади. Беморларнинг аксариятини шикастланишдан олдин юқори фаоллик даражасига эга, шу жумладан фаол ишлайдиган, спорт билан шуғулланадиган ва бўш вақтларини фаол ўтказадиган беморлар ташкил этган. Умуртқа поғонасининг пастки кўкрак ва юқори бел сегментлари умуртқалари синиши натижасидаги орқа мия каналининг иккиламчи торайиши ва неврологик етишмовчилик юзага келган 32 нафар беморда декомпрессив ламинэктомия ва ТПФ ўрнатиш операцияси амалга оширилган. Ҳар қандай характердаги орқа мия нерв-қон томир тузилмаларининг қисилиши сабабли юзага келадиган неврологик етишмовчиликни бартараф қилиш учун бажариладиган танлов операция турларидан бири декомпрессив ламинэктомия ва ТПФ ўрнатиш операцияси ҳисобланади.

16 нафар беморда очик усулдаги вертебропластика ёки цемент аугментацияси билан комбинацияланган транспедикуляр фиксация ўрнатиш операцияси амалга оширилди. Синган умуртқа танаси вертебропластикаси билан ТПФ - бу ҳолда, вертебропластика шикастланган умуртқа танасини бириктириш учун ишлатилади. Бу усул

кўпинча умуртқа поғонаси тузилишини мустаҳкамлаш ва умуртқа танасининг баландлигини тиклаш учун ишлатилган.

Шундай қилиб, умуртқа поғонасининг юқори кўкрак ва пастки бел соҳаси шикастланишларини даволашда шикастланган кўкракнинг бел соҳасига ўтиш қисмини тўлиқ тиклаш керак. Бунга турли текисликларда деформацияни бартараф этишнинг энг самарали усуллари, шунингдек, орқа мия каналининг тўлиқ декомпрессияси киради. Якуний мақсад шикастланган умуртқа поғонасини таянч қобилятини тиклаш бўлиб ҳисобланади. Жарроҳлик амалиёти зарурлигини ҳал қилишда беморнинг соматик ҳолатига, неврологик ва ортопедик хусусиятларига алоҳида эътибор берилган.

Диссертациянинг бешинчи «**Умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳаси шикастланган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари**» бобида операциядан кейинги даврда беморларнинг натижалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси шикастланишлари учун оператив даво натижаларини баҳолаш оғриқ синдромининг регрессияси, неврологик етишмовчилик бор ёки йўқлигига қараб, умуртқа поғонаси деформациясини бартараф этиш ва беморнинг функционал ҳолатини яхшилаш бўйича халқаро миқёсда тан олинган алгоритмлар ва шкалалар бўйича барча 180 нафар беморда ўтказилган. Тадқиқот объектлари 2 гуруҳга бўлинган.


Асосий гуруҳда биз тузган усуллар асосида текширилган ва жарроҳлик амалиётлари қўлланилган 97 нафар бемор бор эди, 83 нафар бемордан иборат назорат гуруҳи классик усул асосида текширилган ва даволанган. Яратилган гуруҳлар янги даволаш усулининг самарадорлигини таққослаш учун зарур ҳисобланган.

Оператив даво натижалари тузалиб чиқиш даврида, яъни жарроҳлик манипуляцияси тугаган кундан бошлаб 7-11 кундан кейин, шунингдек жарроҳлик аралашувидан кейин 3-6 ой ўтиб ва 1-2 йилдан кейин баҳоланган.

Оғриқ белгиларининг оғирлик даражасини аниқлаш. Ушбу кўрсаткич ВАШ шкаласи асосида баҳоланган. Тадқиқотда узунлиги 10 см ва қадами 1 см бўлган ВАШ чизиклардан иборат бўлган рақамли рейтинг версиясига эга эди. Тадқиқотчилар индивидуал равишда ушбу шкала бўйича оғриқ даражасини 0 дан 10 баллгача қўйишди, шунини таъкидлаш керакки, баллар ўсиши билан оғриқ даражаси ошади. Балларнинг максимал қийматлари чидаб бўлмас оғриқни кўрсатади.

Қуйидаги 2-расмдан кўриниб турибдики, операциядан кейинги эрта даврда ҳам асосий, ҳам назорат гуруҳларида оғриқ сезиларли даражада пасайган. Ўртача ВАШ кўрсаткичи асосий гуруҳда 0,8 га паст эди, бу икки гуруҳ ўртасидаги сезиларли фарқ ҳақида аниқ хулосалар чиқаришга имкон бермайди. Шу билан бирга, оралиқ ва узоқ муддатли даврларда асосий гуруҳдаги беморларда оғриқ синдроми паст даражада бўлганлиги, назорат гуруҳидаги беморларда ВАШ кўрсаткичи ушбу даврларда мос равишда ўртача 3,3 ва 3,2 ни ташкил этган. Ушбу маълумотлар асосий гуруҳда

оптималлаштирувчи ва декомпрессияли оптималлаштирувчи операцияларни танлашда дифференциал ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатган.



Эслатма: Статистика Манна-Whitney U тести ёрдамида ҳисобланган; 3-6 ва 12-24 ойларда $p < 0,01$.

2-расм. Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда оғриқ интенсивлиги динамикаси

Умуртқа поғонасининг кўкрак-бел соҳаси шикастланган беморларда неврологик етишмовчиликнинг регрессияси халқаро ASIA/ISCS шкालаси ёрдамида баҳоланган. Ушбу шкалага асосланиб, умуртқа поғонасидаги кўкрак-бел соҳаси шикастланишлари ҳаракат, сезги ва чаноқ аъзолари фаолиятидаги ўзгаришларнинг оғирлигига қараб таснифланади.

4-жадвалда операциядан кейин беморларга жавоб берилганда иккала гуруҳда ҳам неврологик ўзгаришларнинг ижобий динамикаси қайд этилганлиги аниқ кўрсатилган. Шу билан бирга, асосий регрессияда неврологик симптомлар назорат гуруҳига қараганда нисбатан яхшироқ эканлиги кузатилган. Бироқ, оралик (3-6 ой) ва узоқ муддатли (12-24 ой) даврларда асосий гуруҳда неврологик белгиларнинг ижобий динамикаси асосий гуруҳда назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори эканлигини кўриш мумкин.

